Huquqiy ma`rifat

# МАНСАБДОР ШАХС

## У ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мансабдорлик жиноятларини малакалаш амалиётда айрим муаммоларга сабаб бўлаётгани туфайли тергов ва суд жараёнларида хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу масала, биринчидан, жиноят субъектини аниқлашда рўй берса, иккинчидан, мансабдор шахснинг хизмат ваколати доираси ҳамда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиши ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганишда кўзга ташланмоқда.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш, хўжалик ва тижорат соҳаларида ҳар қандай вазифани бажарувчи кишини мансабдор шахс, дейиш ноўрин. Чунки қонунда қайд этилганидек, мансабдор бажарадиган вазифа давлат ҳокимияти актларини амалга ошириш ёки маъмурий-хўжалик, ташкилий-бошқарув ваколати билан боғлиқ бўлиши шарт. Чунки оддий ишчи, колхозчи ҳам ишлаб чиқариш жараёнида муайян вазифани бажаради, лекин уларнинг вазифалари юқоридаги каби мазмунга эга эмас.

Ҳозирги пайтда Жиноят Кодексининг 8-бўлимида олдинги қонунчиликдан фарқли равишда, мансабдор шахс тушунчаси икки гуруҳ — мансабдор ва масъул мансабдор шахсга бўлинади. Малакалаш жараёнида бу тушунчаларни аниқлаш учун умумий бўлган ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик ваколатлари тушунчаларига эътибор бериш лозим.

**Ташкилий-бошқарув ваколатлари** — алоҳида ходимлар иштирокидаги ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнат жамоалари бошқарувини ташкил этиш ёки муайян ходимлар фаолиятини бошқарадиган шахсга оид бўлиб, унинг раҳбарлигида бир гуруҳ ходимлар бўлади. Унинг ваколатига кадрлар танлаш, ишни режалаштириш, бўйсунувчи ходимлар фаолиятини ташкил этиш, меҳнат тартиб-қоидаларини амалда қўллаш кабилар киради. Ана шундай фаолиятларни вазирликлар, қўмиталар, идоралар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари (лаборатория ва цех бошлиқлари, кафедра, бўлим мудирлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари), участка фаолият раҳбарлари (уста, бригадир, прораб)кабилар ҳам амалга оширишлари мумкин.

**Маъмурий-хўжалик ваколатлари** доирасига мулк шаклини бошқариш, сақлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, бу жараённи ташкил этиш, аҳоли маиший хизматини йўлга қўйиш каби фаолиятлар киради. Мазкур ваколатлар муайян даражада режалаштирув ва молиявий таъминлов бўлим, хизмат бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, омборхона, дўкон мудирлари, устахона раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Бу соҳалар ичида бухгалтернинг ҳуқуқий мақоми эътиборга лойиқ. Бош бухгалтер гарчи корхонада битта бўлса-да, мансабдор шахс ҳисобланади. Чунки ташкилотнинг молиявий ҳисоб-китоби ва назоратига жавобгарлик унинг ваколатига киради. Унга бўйсунувчи бухгалтер, қонунга кўра, мансабдорлик жинояти субъекти ҳисобланмайди.

Жиноят Кодекси махсус қисмининг 8-бўлимида белгиланганидек, масъул мансабдор шахслар тўрт тоифадан иборат. Булар:

— ҳокимият вакиллари;

— сайлов ва тайинлаш йўли билан давлат корхонаси, муассаса ёки ташкилотларида ташкилий-фармойиш ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини доимий ёки вақтинча бажарувчи мансабдорлар ҳамда юридик ҳаракатларни амалга оширувчи шахслар;

— давлат бошқаруви бўйича белгиланган тартибда ҳокимият ваколатига эга бўлган корхона, муассаса ёки бошқа мулк шакллари уюшмаларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари;

— сайлов ва тайинлаш йўли билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида масъул вазифаларни бажариш билан боғлиқ мансаблардаги шахслар.

Шахсни мансабдор деб ҳисоблаш учун унга юклатилган вазифалар юқорида кўрсатилган мазмунга эга бўлиши шарт. Акс ҳолда бундай шахсларни мансабдорлик жиноятлари доирасида жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Оддий ходим ёки ишчига муайян хўжалик топшириқлари (моддий қимматга эга маҳсулотлар, товарларни олиш, топшириш ёки транспортда кузатиш) ваколатини рўкач қилиб, унинг ижтимоий хавфли қилмишини мансабдорлик жинояти таркибида малакалаш ноўрин.

Мансабдор шахс деб ҳисоблаш учун шахс давлат ёки жамоат ташкилотларида бирор масъул вазифани бажариб турган бўлиши, бу вазифа унга доимий ёки вақтинча (масалан, бошлиқнинг касаллиги туфайли) топширилган бўлиши мумкин. Бу ваколатларни оддий ходим амалга ошириши, ваколат ходимга оғзаки, телефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали етказилиши мумкин. Вазифаларни бажариши учун шахсга иш ҳақи берилиши ёки берилмаслиги (масалан, штатсиз инспекторлар: савдо, санитария, жамоатчилик асосида хизмат қилувчи, тафтиш ҳаракатларини олиб борувчи ходимлар ва бошқалар) уни мансабдор шахс деб ҳисоблашга монелик қилмайди. Давлат аппарати ёки бошқа бирор ташкилотда ишловчи шахслар айни вақтда жамоатчилик ишларида ҳам қатнашадилар, жамоат ташкилотларида муайян вазифаларни бажаради.

Давлат, жамоа корхонаси ва ташкилотларда махсус ёки техник мажбуриятлари юзасидан фаолият кўрсатаётган ходимлар мансабдорлик жинояти субъекти бўлиши мумкин эмас. Агар ушбу фаолият билан бирга ходимга маъмурий-хўжалик ёки ташкилий-бошқарув ваколати берилган бўлса ва у бошқарув тартибига қарши жиноятга йўл қўйса, унинг қилмиши мансабдор шахс сифатида малакаланади.

Юридик адабиётлар ва суд-тергов амалиётларида профессор, ўқитувчи, шунингдек, тиббиёт ходимларини мансабдорлик жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласига турлича муносабат мавжуд. Айрим муаллифлар олий ва ўрта махсус ўқув юрти, шунингдек, мактаб ўқитувчиларини мансабдор шахс деб ҳисоблашса, бошқалари бунга қўшилмайдилар. Бизнингча, ўқитувчи доимий равишда бирор-бир маъмурий лавозимни (ректор, проректор, декан, директор) эгаллаб турган ёки вақтинча ташкилий-бошқарув (қабул, қабул ҳайъати аъзолари) вазифаларини бажараётган бўлса, мансабдор шахс деб топилиши ўринлидир.

Врач ва ҳамширалар касб вазифаларини амалга оширганда мансабдор шахс ҳисобланишмайди. Чунки уларнинг фаолияти ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари билан боғлиқ эмас. Врач ва ҳамширалар соғлиқни сақлаш тизимида аниқ бир ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатига эга шахслар ҳам бўлиши мумкин. Буларга соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари бошлиқлари, касалхона бош врачи, поликлиника директори кабилар киради (уларнинг ваколати бўйсунувчи ходимлар фаолиятини ташкил этиш, кадрлар танлаш ва тайинлаш, молиявий режаларни амалга ошириш каби вазифаларда намоён бўлади). Бош ҳамшира эса муайян касалхона ёки поликлиника ҳамшираларининг фаолиятини ташкил этади, бошқаради, шунингдек, уларнинг меҳнат тартиби қоидаларига риоя этишлари устидан назорат қилади. Юқоридагиларга асосланиб, врач ёки ҳамширанинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатни унинг касб ва хизмат ваколати доирасидан излаш лозим. Масалан, бош врач томонидан беморга нотўғри ташхис қўйилиши, узрли сабабсиз ёрдам кўрсатилмагани мансабдорлик жинояти таркибини вужудга келтирмайди. Ушбу ҳолат Жиноят Кодекси 116-моддасининг тегишли қисми бўйича малакаланиши мумкин. Агар тиббиёт соҳасидаги мансабдор шахслар ўзларининг хизмат лавозими ваколатидан фойдаланиб, ижтимоий хавфли қилмишни содир этса, мансабдорлик жинояти таркибини вужудга келтиради. Шунингдек, суд тиббиёт экспертларининг ножўя ҳаракатлари мансабдорлик жинояти сифатида малакаланиши лозим.

Суд тергов амалиётида котиб ёки котиба ҳуқуқий мақоми тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Тадқиқотчи М. Лисовнинг фикрига кўра, ҳар бир ҳолатда шахснинг хизмат вазифаси моҳиятидан келиб чиқиб, ёндашиш керак. Котиб ёки котибага давлат ёки жамоа корхонаси муҳри, муассаса раҳбари ёки бошқа мансабдор шахснинг имзосини тасдиқлаш, ҳужжат, аризалар нусхасини ўз имзоси билан тасдиқлаш ваколати берилган бўлса, бу ҳолатда у мансабдор шахс ҳисобланади. Масалан: Навоий вилоят кимё заводи котибаси А. га ходимлар шахсий ишини олиб бориш ваколати юклатилган эди. А. ўзининг нафақаси миқдорини ошириш мақсадида меҳнат дафтарчаларининг бирини ўз номига тўлдириб, қонунга хилоф равишда иш стажини ошириб қўйган ва раҳбар ўрнига ўзи имзо қўйиб, муҳр босган. Навоий туман суди унинг қилмишини мансабдор шахс сифатида асосли малакалаган.

Юридик адабиётларда адвокат ваколатини мансабдор шахс таркибига киритиш ҳақида турли фикрлар мавжуд. М. Лисов адвокат ва прокурорнинг суд жараёнидаги ваколатлари жамоат тартибини сақлашга қаратилмагани боис уларни мансабдор шахс доирасига киритиш лозимлигини айтади. Бошқа олимлар бу фикрни рад этиб, ҳимоя қилиш адвокатнинг касбий ваколати эканлиги сабабли уни мансабдор шахс ҳисоблашмайди.

Мансабдорлик жиноятининг субъектини тўла-тўкис аниқлаш учун мансабдор шахс хизмат ваколати ва мажбуриятлари доираси билан содир этилган жиноят мотиви ўртасидаги сабабий боғланиш бор-йўқлигини ўрганиш зарур. Айниқса, мансабга совуққон муносабатда бўлгани учун айбланган мансабдор шахс жиноятини аниқлашда содир этилган оқибатнинг олдини олиш имконияти бор-йўқлигига эътибор бериши лозим. Баъзан суд-тергов амалиётида айбдорнинг хизмат вазифасини аниқлашга етарли аҳамият берилмай, хатога йўл қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Мисол учун, Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди ФҲДЁ бўлими бошлиғини 100000 сўм пора олганликда айбли деб топиб, қонунга кўра, у масъул мансабдор шахс ҳисобланса-да, унинг жиноятини оддий мансабдор шахс сифатида малакалаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мансабдор бўлмаган шахслар мансабдорлик жиноятларида ташкилотчи, ёрдамчи, далолатчи сифатида жиноят субъекти бўлиши мумкин. А. Тройнин, В. Кириченконинг тадқиқотларида иштирокчиликдаги мансабдорлик жиноятларида бажарувчи фақат мансабдор шахс бўлиши уқтирилади. Мансабдорлик жиноятларининг содир этилишида оддий шахснинг шароит яратиш, маълумот олиш, бажарувчи бўлиш каби ҳаракатлари Жиноят Кодекси 28-моддасининг тегишли бандИ бўйича малакаланиши мумкин. Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, бошқа бир жиноятнинг содир этилишига шароит яратиши каби ҳаракатлари учун жиноятлар мажмуи эса Жиноят Кодексининг 59-моддаси бўйича малакаланади.

**Баҳром АҲРОРОВ,**
**доцент**
**Фурқат ҲУСАНОВ,**
**магистрант**

**Акмал САИДОВ,**
**Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси**

Huquqiy savodxonlik sari

# ҚОНУНЛАРИМИЗ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Истиқлол йилларида юртимизда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва жаҳон андозалари асосида ривожлантириш, маънавиятимизни юксалтириш, халқимизга фаровон ҳаёт шароити яратиб бериш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў-эътибор қозониш йўлида кенг миқёсли яратувчилик ишлари амалга оширилдики, буни илгари тасаввур ҳам этолмасдик. Бу борадаги ютуқларимизни, назаримда, қуйидагича ифодалаш мумкин:

— аввало, ўтган йиллар ичида мамлакатимизда давлатчилигимизни мустаҳкмлашнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Хусусан, Бош Қомусимиз, 300 дан ортиқ қонун, 12 та кодекс қабул қилинди. Бунинг натижасида эса тубдан янги бўлган миллий ҳуқуқий тизим юзага келди;

— иккинчидан, одамларнинг дунёқараши оламшумул даражада ўзгарди, уларнинг ҳуқуқий тафаккур қилиш доираси кенгайди, ҳуқуқий маданияти юксалди. Бу ҳолатларни фуқаролар онгида қонунларга нисбатан бутунлай янгича муносабат шаклланганИ мисолида ҳам кўришимиз мумкин;

— учинчидан, юртимизда янги миллий давлатчилик пойдевори яратилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисда таъкидлаганидек, ҳозирги кунда эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёни юртимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришлар, шу жумладан, миллий қонунчилигимиз асосларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни ҳам бир-бирига жипс боғлаб турувчи ўзига хос занжир вазифасини ўтамоқда.

Бу эзгу мақсадларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий асоси ва амалий механизмини шакллантириш учун мамлакатимизда 2000 йилда Президентимиз Фармонига мувофиқ, еттита энг асосий йўналиш бўйича — сиёсий соҳада, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодий-маънавий, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш бўйича дастур қабул қилинганди. Айни пайтда дастурларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши барча жабҳаларда ўзининг самарасини бераётир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Олий Мажлиснинг 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлиги тўғрисидаги қарори ҳам миллий қонунчилигимиз асосларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси миллий давлатчилигимиз тараққиётининг муҳим йўналиши ҳисобланмиш парламент ислоҳотлари, шу ўзгаришлар билан боғлиқ янги қонунлар яратиш жабҳасида ўзига хос залворли одим бўлди.

Президентимизнинг ана шу сессиядаги дастуриламал маърузасида референдум якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари, давлат ва ҳуқуқ ривожининг истиқболлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий-маърифий жамиятни мукаммал қонунчилик ва ҳуқуқ устуворлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўз навбатида, қонунчиликни ривожлантириш ва қонунлар устуворлигини таъминлашга фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маърифатини оширмасдан, ҳуқуқий маданиятни юксалтирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Булар бирбири билан чамбарчас боғлиқдир. Кучга кирган қонун бажарилиши, натижа бериши учун, аввало одамлар унинг мазмунини билиши, моҳиятини тушуниши ва шунга нисбатан уларнинг онг-шуурида ҳурмат туйғуси шаклланиши, кишиларимиз қонунларга онгли равишда итоат этишига эришишимиз керак бўлади.

Истиқлол йилларида қонунларни қабул қилишнинг ўзига хос тизими шакллантирилди. Ҳар бир янги қабул қилинаётган қонун камида учта мезон асосида пухта ишлаб чиқилмоқда:

— биринчидан, ҳар қайси қонуннинг халқаро андозаларга қанчалик мослигига жиддий эътибор қаратилади;

— иккинчидан, ҳар бир қонун ҳужжатини тайёрлашда илғор чет эл юридик тажрибасига таянилади;

— учинчидан, кўп асрлик ҳуқуқий меросимиз анъаналарига асосланилади.

Бу йил худди ана шу мезонлар негизида қабул қилинган Конституциямизнинг ўн йиллигини нишонлаймиз. Бош қомусимиз ўз вақтида БМТ, ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Франция сингари ривожланган демократик давлатлар мутахассисларининг экспертизасидан ўтган. Улар томонидан асосий қонунимиз энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, деб эътироф этилган.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қонунларни яратиш механизми тўла шакллантирилди. Лекин шу билан бирга қонунларни ҳаётга татбиқ этиш борасида муаммолар йўқ эмас. Айни пайтда амалдаги қонунлар ижросини тўла таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш зарурати долзарб масала бўлиб турибди. Демак, қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш тизимини яратиш тақозо этилмоқдаки, бу вазифаларни ҳуқуқ социологияси деб аталувчи янги ва мустақил соҳа фаолиятини кенг йўлга қўйиш ҳамда ижтимоий фикрни атрофлича ўрганиб бориш орқали бажариш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, илм соҳиблари ва амалиётчилар қонун чиқарувчилар билан ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб борсалар, эзгу мақсадларга тезроқ эришган бўлур эдик.



Ёлғизоёқ йўл

Qing`irlikning qiyig`i

# ЙИРТИЛГАН НИҚОБ

Иштихонлик Жўра Эшмуродов, Шаҳобиддин Хўжаёров ва Нормамат Темировни туманда кўпчилик "ёзғувчи" сифатида яхши билар эди. Бу "уч оғайни ботирлар" туманда "ёзғувчи" деган ном қозонишди. Улар кўп йилар давомида фирибгарлик билан шуғулланиб, нуфузли лавозимларда ишлаётган шахсларнинг қадамини "санаб", шулар асосида юқори ташкилотларга турли хил иғво хатларини ёзишни одат қилишган. Кейинчалик ўз фаолиятларини "такомиллаштириб", иғвогарона хатларини "мижоз"ларига кўрсатиб, улардан шунинг эвазига катта миқдорда пул талаб қилишган. Акс ҳолда хатларни тегишли жойларга жўнатиб юборамиз, деб қўрқитишган.

Айрим айби бор раҳбарлар уларнинг шартига кўниб, талабларини қаноатлантиришган. Охир-оқибат иш шу даражага етганки, улар энди очиқчасига таъмагирлик йўлига ўтишган.

Халқ орасида "кўза кунда эмас, кунида синади" деган нақл бор. Ҳар бир нарсанинг чек-чегараси ва меъёри бўлгани каби фирибгарларнинг фаолиятига ҳам ниҳоят якун ясалди. Гап шундаки, шу йилнинг 22 январ куни "уч оғайни"лар Иштихон туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази бош шифокори Хидирбой Мирзаевнинг хизмат хонасига боришиб, унга "туманда санитария аҳволи чатоқ, бунга сен айбдорсан, фалон-фалон хатоликларга йўл қўйгансан. Агар учаламизга эллик минг сўмдан берсанг, эвазига шикоят хатини ҳеч қаерга юбормаймиз. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин, десанг, пулни индинга Нормаматникига олиб бор", деб шарт қўйишди.

Аммо фирибгарлар бу гал адишишган эди. Хидирбой Мирзаев ҳам анойилардан эмаслигини амалда кўрсатди. Ҳеч иккиланмай Иштихон туман Ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, масъул ходимларга бор воқеани баён этди. Ички ишлар бўлими ходимлари дарҳол таъмагирларнинг ниқобини йиртиш режасини ишлаб чиқишди. Шу йилнинг 24 январ куни Иштихон шаҳар, Ҳамид Олимжон номидаги кўчада истиқомат қилувчи Нормамат Темировга туман давлат санитария ва эпидемиология назорат маркази бош шифокори Хидирбой Мирзаев товламачиларга ваъда қилинган 150 минг сўмни олиб бориб берди. Нафс балосига гирифтор бўлган фирибгарлар шу тариқа қўлга тушишди. Яқинда уларнинг содир этган жинояти юзасидан суд ҳукми эълон қилинди. Товламачиликни касб қилиб олишган фирибгарлар қонун асосида жазога тортилди. Бошқача айтганда, қинғирликнинг қийиғи чиқди. Лекин шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, суд мажлисида тумандаги айрим раҳбар ходимлар товламачиларнинг бўҳтонларидан қўрқиб, уларнинг талабларини бажариб юришгани маълум бўлиб қолди. Бу эса фирибгарларга янада каттароқ йўл очган. Хўш, айрим раҳбарлар нега фирибгарларнинг ноғорасига ўйнашган? Ёки уларнинг ҳам айби шунчалик кўп бўлганми? Бу каби саволлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, фирибгарликка айрим раҳбарларнинг ўзлари йўл очиб беришган. Янаям тўғрироғи, лоқайдлик, "сен менга тегма, мен сенга" қабилида иш юритиш ана шундай натижаларга олиб келди. Бу энди бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

**Акмал ИМОМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Азим ҚОДИРОВ,**
**журналист**

# ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАН БОЛА

## УНИНГ ТУҒИЛГАН ЖОЙИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИЛАДИ?

Маълумки, ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис, равон кечмайди. Баъзи оилаларда фарзандсизлик каби изтиробли ҳолатлар учраб туради. Бундай оилалар, шубҳасиз, фарзандликка бола олиши табиийдир.

Энг аввало шуни айтиш жоизки, қонунга кўра, болани фарзандликка олиш унинг сир сақланишини таъминлаган ҳолда амалга оширилади. Фарзандликка олинган боланинг туғилган жойини ўзгартириш, фарзандликка олинганини сир сақлаш мақсадида қоида бўйича 10 ёшгача бўлган болаларга нисбатан йўл қўйилади. Афсуски, жойларда 10 ёшдан юқори бўлган болаларнинг ҳам фарзандликка олинганда, туғилган жойларини ўзгартириш ҳоллари учраб туради. Бу эса Оила Кодексининг 164-моддасига зиддир. Чунки мазкур моддада агар бола 10 ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин, дейилган.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, агар фарзандликка олиш тўғрисидаги қарор туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви тузилган жойда чиқарилган бўлса, ўзгартиришлар киритишда ортиқча қийинчиликлар келиб чиқмайди. Яъни, ФҲДЁ ходими дастлабки маълумотларни ўчириб, ўрнига янги ёзувлар киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради. Агар боланинг туғилган жойи ўша вилоят доирасида ўзгартирилса, "туғилган жойи" деган устун ўзгаришсиз қолдирилиб, вилоят доирасидаги янги туғилган жойи кўрсатилади. Масалан, фарзандликка олинган Эргашев Аброр 1997 йилда туғилган бўлиб, туғилган жойи Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридан Самарқанд шаҳрига ўзгартирилган. Бундай ҳолатда, "Каттақўрғон шаҳри" деган ёзувни ўчириб, ўрнига "Самарқанд шаҳри" деб ёзиб қўйиш етарли.

Мабодо ҳоким қарорида боланинг туғилган жойи вилоят ҳудудидан ташқарига ўзгартирилса, бу ҳам янги далолатномада ўз ифодасини топади. Масалан, Каримова Саодат, 1990 йилда Бухорода туғилган, туғилган жойи ҳоким қарори билан Тошкент шаҳри деб ўзгартирилган. Тошкент шаҳридаги фарзандликка олувчиларнинг яшаш жойидаги ФҲДЁ идораси фарзандликка олинувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига кўра, туғилганлик тўғрисидаги ёзувни тиклаган далолатнома ёзувлари китобида тиклайди. Шундан кейингина бу ёзувга зарур ўзгартиришлар киритади ҳамда туғилганлик ҳақидаги дастлабки ёзув тузилган ФҲДЁ идорасига ўша ёзувни бекор қилиш ҳақида хабарнома юборилади.

Агар бошқа давлат билан махсус келишув бўлмаса, боланинг туғилган жойини Ўзбекистон Республикаси доирасидан ташқарига ўзгартириш мумкин эмас. Чунки боланинг туғилган жойини бошқа давлат ҳудудига ўзгартириш, ўша давлатнинг ваколатли идоралари розилигисиз боланинг фуқаролиги ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин.

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

Демак, баён этилганлардан шу нарса маълум бўладики, вилоятлар ичида фарзандликка олинган боланинг туғилган жойи ўзгартирилган тақдирда боланинг туғилиши қайд этилган далолатнома ёзувидаги "туғилган жойи" устунида вилоят ўзгаришсиз қолдирилиб, бошқа туғилган жойга алоқадор янги ёзувлар киритилади. Янгидан бирламчи туғилиш далолатнома ёзуви ёки тикланган далолатнома ёзуви тузилмайди. Агар туғилиш далолатнома ёзуви бир вилоятда тузилиб, боланинг туғилган жойи бошқа вилоят ҳудудига ўзгартирилса, фарзандликка олувчиларнинг яшаш жойидаги ФҲДЁ идорасида "тикланган" далолатнома ёзуви тузилади ва бирламчи туғилиш далолатнома ёзуви бекор қилинади.

Яширишга ҳожат йўқ, бу масала юзасидан жойларда баъзи бир тушунмовчилик, оворагарчилик ва қонунбузилиш ҳолатлари учраб турибди.

Истардикки, ҳар бир туман ҳокими, ФҲДЁ ходими ёки васийлик, ҳомийлик кенгашлари ходимлари фарзандликка бола бериш ҳақидаги хулоса ва қарор лойиҳасини тайёрлаганда ёхуд ФҲДЁ ходими қарорини ижро қилиш жараёнида Оила Кодекси, шунингдек, бу Кодексга берилган шарҳларни чуқур кўздан кечирса, берилган тушунтиришларга қатъий амал қилса, ҳеч қандай қонунбузарлик ҳолати ёки оворагарчилик келиб чиқмайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, мазкур масала бевосита инсон тақдири, унинг ҳаёти билан боғлиқ экан, унга ўта хушёрлик билан ёндашиш, махфийлик қоидаларига риоя қилиш фарзандликка олишнинг сир сақланишини кафолатлайди.

Jahon tajribasi

# САКСОН ЗЕРЦАЛОСИ



Қадимги Германия феодал ҳуқуқи тарихида немис одат ҳуқуқларини ўзида мужассамлаштирган "Саксон Зерцалоси" номи билан аталувчи қонунлар тўплами муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, 1230 йилда немис рицар судьяси Эйке-фон Ренкоф қадимги Германиянинг шарқий қисмида мавжуд бўлган урф-одатларни ҳуқуқий меъёр сифатида тартибга келтиради. Бу кейинчалик «Саксон Зерцалоси» номини олади. «Саксон Зерцалоси» мазмун моҳиятига кўра, икки қисмдан иборат бўлиб, 460 та моддани ўз ичига олган. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қисмлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ташкил топган.

Зерцалонинг биринчи қисми Земский ҳуқуқи деб аталиб, 234 та моддани ўз ичига олган учта китобдан иборат. Биринчи китоб 71 моддадан ташкил топган бўлиб, унда жиноят процессидаги бир қанча тартиб-қоида ва меъёрлар ифода этилган. Жумладан, суд тузилиши, суд процесси, суд мажбуриятлари, суд қилиш ва суд мажлисларида қатнашиш тартиби баён этилган. Ушбу китобнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда суд мажбуриятлари ва суд ишларида ер эгаларининг қатнашиши мажбурий экани белгилаб қўйилган.

Зерцалонинг иккинчи китоби сервитутлар бўлиб, у ердан фойдаланиш билан боғлиқ мажбуриятлар, жиноят процессидаги иш тартибига доир бир қанча меъёрларни ўз ичига олган. Жумладан, ушбу қонунлар тўпламида инсон ўзидан кейин нима қолдирса, унинг барчаси мерос саналиши белгиланган. Бунда хизматкорларнинг мавқеи биринчи ўринга қўйилган, яъни улар ўз хўжайинлари вафот этган кунгача ишлаган иш ҳақининг тўланишини талаб қилишлари мумкин бўлган.

Зерцало тўпламида ворислик ҳақида ҳам муҳим меъёрлар мавжуд эди. Хусусан, ворисликда ҳарбий буюмлар вояга етган катта ўғлига, агар бундай ўғил бўлмаса, қилич тутишга лойиқ бўлган қариндошига ўтиши лозим бўлган.

Ушбу тўпламда фуқаролик ҳуқуқига ҳам меъёрлар ажратилган бўлиб, ер мулки, унга бўлган ҳуқуқий муносабатлар кенг ёритиб берилган. Тўпламда ёзилишича, ерга даъвогар шахс ер мулкига бўлган ҳуқуқни 31 йилу 6 ҳафта 3 кун давомида даъво қилмаган бўлса, ўзининг ҳуқуқини йўқотган ҳисобланади. Давлат ер мулки, шунингдек, швабларнинг ер мулкига бўлган ҳуқуқларга муддат белгиланмаган, чунки улар ўз ҳуқуқларини гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида исбот қилишлари лозим бўлган.

Зерцало тўпламининг ушбу китобида жиноят ҳуқуқи ва жиноий судлов ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Унда давлатга қарши чиқиш оғир жиноят деб белгиланган. Агар сеньорлар қасам ичиб, тил бириктирган ҳолда империяни рад қилса, улар империяга қарши ҳаракат қилган ҳисобланган. Тўпламнинг яна бир эътиборли жиҳати, унда номусга тегиш жиноятини содир этган ҳар бир шахснинг боши танидан жудо қилиниши қайд этилган. Жиноят жойи ҳисобланган уй эса суд қарори билан бузиб ташланган.

Қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам энг оғир жиноятлардан ҳисобланган. Вояга етмаган шахслар одам ўлдирса, уларга нисбатан ҳаётдан маҳрум этиш, қатл этиш жазолари қўлланилмасдан, уларнинг мулкларидан хун (вергельд) ундирилган. Ота-онаси одам ўлдириш жиноятини содир этгани учун ўғил жавоб бермаган. Жазо тизимида эса қатл этиш ёки аъзога шикаст етказиш жазоларини хун тўлаш, сотиб олиш билан алмаштириш мумкин бўлган.

Ўғирлик ҳам оғир жиноят ҳисобланиб, унга нисбатан осиб ўлдириш жазоси берилган. Ўғирланган катта миқдордаги мулкни яширганлар бошини кесиш йўли билан қатл этилган. Отлар, ҳўкизларни ўғирлаган, тегирмон, черков, қабристонни талаган, ўт қўювчилар ғилдиракка боғлаб қатл этиш билан жазоланган.

Зерцалога мувофиқ ўғри ёки талончи жиноят устида қўлга тушса, уни суд қилиш учун камида учта қишлоқдан биттадан учта гограф (парча ери бор озод киши) сайлаш ва гограф суди тузиш лозим бўлган. Судга келмаганларга катта миқдорда жарима солинган.

Ушбу тўпламда гувоҳлар ҳақидаги меъёрлар ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларда етти кишининг гувоҳлик бериб тасдиқлаши тўғрисида сўз боради. Бошқача айтганда, суд ижросининг гувоҳлиги етти кишининг гувоҳлиги талаб қилинадиган ишда икки кишининг гувоҳлиги ўтган. Суд қароридан қаноатланмаган томонлар юқори судлар ва қирол судларига ҳам шикоят қилиши мумкин бўлган.

Зерцалонинг учинчи китоби 91 моддадан иборат бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқи масалалари, кафолат, кафиллик, даъвогар, жазо, вергельдя, хун ва унинг миқдорлари, давлат ҳуқуқи, аббатларни сайлаш тартиби, маъмурий бўлиниш масалаларини ўз ичига олган. Қонунлар тўпламининг иккинчи қисми уч бобга бўлиниб, 226 та моддани ташкил этган. Бу қисм "Лен" ҳуқуқи деб аталади. Унга кўра, клерклар, аёллар, деҳқонлар, савдогарлар, қонуний никоҳсиз туғилганлар, шунингдек, отаси томонидан рицарлик унвонига эга бўлмаганлар айрим имтиёзлардан маҳрум этилган. Ворис бўлган ўғил "Лен" ер мулкига ҳам ворис ҳисобланган. Шунинг учун у ўз хўжасидан "Лен" ҳуқуқини тасдиқлашини сўраши шарт ҳисобланмаган. Лекин бир йилу олти ҳафта ичида "Лен" эгасининг ҳузурига бориб ўзининг вассал деб танишлигини сўраши лозим бўлган. Мазкур илтимосга "Лен" эгаси индамаса, меросхўр "Лен"га мажбуриятсиз эгалик қилиши мумкин бўлган. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу қисмда "Лен" судида ишни кўриш тартиблари ҳақида ҳам аҳамиятга молик меъёрлар баён этилган.

Хулоса сифатида айтиб ўтадиган бўлсак, қадимги герман феодал давлатининг ривожланиши ва бошқарилишида "Саксон Зерцалоси" ўзига хос ўрин эгаллаган. Улар кейинчалик ҳуқуқ фанининг тараққиётида ҳам асос вазифасини ўтаган.

**Саломат НИЁЗОВА,**
**тадқиқотчи**

Ajab savdolar

# “ПАРВОНА”

ФЕЛЬЕТОН

Бирор ташкилотга янги раҳбар ишга келса, у ишни дастлаб нимадан бошлайди? Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши табиий. Жиззах тиббиёт коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Усмон Ҳамроевнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатида ёзилишича, 2000 йил 5 сентябрда мазкур коллеж директорлигига тайинланган Ислом Субҳонқулов бу борада ўзига хос йўл тутибди. Олтмиш икки ёшли “тажрибали” раҳбар иш бошлаган куниёқ коллежнинг барча ходимларини йиғиб, “амалдаги Меҳнат Кодексининг 98-моддасига биноан корхона раҳбари алмашганда ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Қолаверса, янги раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган янги шартнома шакли тузилиши лозим. Шу сабабли ҳамма менинг номимга “ўз хоҳишимга кўра эгаллаб турган лавозимимдан озод қилишингизни сўрайман”, деган мазмунда ариза ёзсин. Бу расмиятчилик учун бажарилади, холос. Яъни, янги шартнома асосида ҳамма олдинги ишини давом эттираверади”, деб фармойиш берибди. Шундан кейин коллеж ходимлари янги раҳбарнинг буйруғини адо этишга киришишибди. Лекин қонунчиликдан озми-кўпми хабардор бўлган коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаётган Усмон Ҳамроев янги раҳбарнинг бундай ноқонуний талабини бажаришдан бош тортиб, ариза ўрнига қонуний меҳнат таътилига чиқиш ҳақида ариза ёзибди. Бунга жавобан директор “аввал ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзинг, кейин меҳнат таътилига чиқасиз”, дебди. Бироқ Усмон Ҳамроев бунга рози бўлмагач, ноилож унинг меҳнат таътилига чиқиши тўғрисидаги буйруққа имзо чекибди. Усмон Ҳамроев таътилдан қайтиб келгач, унга 7 сентябр куни ишдан бўшатилганини айтишибди. Директорнинг ушбу ноқонуний хатти-ҳаракати фуқаролик ишлари бўйича Жиззах шаҳар ва туманлараро судида кўриб чиқилиб, суд ҳукмига кўра Усмон Ҳамроевни ўз лавозимига тиклаш баробарида унга мажбуран бекор юрган вақти ва етказилган маънавий зарар учун директорнинг чўнтагидан 65696 сўм ундириб берилибди. Бироқ директор жаноблари бундан тегишли хулоса чиқариш ўрнига яна Усмон Ҳамроевга “тиш қайраш”ни давом эттирибди. Яъни 2000-2001 ўқув йили учун қонуний меҳнат таътилига чиқиш учун ариза берган Усмон Ҳамроев директордан рад жавобини олибди. Иш яна судга ошади. Суд коллеж раҳбарига Усмон Ҳамроевнинг қонуний меҳнат таътили берилишини таъминлаш вазифасини юклайди.

Лекин коллеж директори суд қарорини ижро этишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аксинча, шу йилнинг феврал ойида Усмон Ҳамроевни вазифасидан озод этиш тўғрисида навбатдаги ғайриқонуний буйруғини чиқаради.

Ушбу ғайриқонуний буйруққа Меҳнат Кодексининг 97-моддаси 2-банди, 100-моддасининг 2,3,4-бандлари асос қилиб олинган. Мазкур Кодекснинг 100-моддаси 2-бандига кўра, ходимнинг малакаси етарли бўлмаган ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолганда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинади. Ваҳоланки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 20 январдаги 21-сонли буйруғининг 1.3-бандига кўра Жиззах тиббиёт коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Усмон Ҳамроев аттестациядан ўтган ва ўз лавозимига лойиқ деб топилган. Шунингдек, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 3-бандида ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга асос бўлади, дейилган. Усмон Ҳамроев эса 2001 йилда ҳалол меҳнатлари учун “Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги” нишони билан тақдирланган.

Мазкур модданинг 4-бандида ходим томонидан ўз вазифаларини қўпол равишда бузиш ҳам иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Тиббиёт коллежи ички меҳнат қоидаларининг 2.9.3-бандида ходимнинг касаллиги ҳақида 3 кун ичида иш берувчини огоҳлантирмаслиги меҳнат қоидаларини бир марта қўпол равишда бузиш, деб кўрсатилган. Ҳолбуки, мазкур модданинг 5-қисмида қайд этилишича, ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Коллеж ички меҳнат қоидасининг ушбу талаби қонунга хилоф бўлса-да, Усмон Ҳамроевнинг касаллиги ҳақида иш берувчини 3 кун ичида огоҳлантиргани ҳам судда ўз исботини топди.

Шу ўринда қўшимча қилиш лозимки, Жиззах вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошқарув кенгаши Усмон Ҳамроевни вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даврида вазифасидан озод қилиб, қонун талабини қўпол равишда бузган. Тиббиёт коллежи раҳбари Ислом Субҳонқулов ҳам бошқарув кенгаши қарорини асос қилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ёзма равишда розилигини олмасдан, мазкур масалани касаба уюшма қўмитасида кўриб чиқмасдан, тиббиёт коллежининг ички меҳнат тартиби қоидаларини қўпол равишда бузиб, касаба уюшмаси билан келишмаган ҳолда ходимни вазифасидан ноқонуний озод қилган.

Мазкур масалани батафсил кўриб чиққан фуқаролик ишлар бўйича Сирдарё вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати Меҳнат Кодексининг 111-моддасига асосан Усмон Ҳамроевни олдинги лавозимига тиклаб, Меҳнат Кодексининг 275-моддаси 6-қисмига кўра мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар учун 197.250 сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди. Бироқ ҳалигача ушбу суд қарори ижро этилмаяпти.

Шикоят хатида ёзилишича, Жиззах тиббиёт коллежида талабаларни ўқитиш учун яратилган шарт-шароит жуда ночор аҳволда. Бунга ҳар йили коллежга режадан ортиқ ўқувчилар қабул қилиш асосий сабаб бўлаётган экан. Маълумотларда қайд этилишича, коллежда сўнгги икки йил давомида 567 нафар ўқувчи режадан ортиқча қабул қилинган. Аслида 1050 ўқувчи ўрнига мўлжалланган коллежда бугунги кунда 2150 нафар ўқувчи таҳсил олаётган экан. Ўқув хоналари етишмаслиги туфайли дарслар 3 сменада олиб борилар экан. Машғулотлар эрталаб соат 8 да бошланиб, кечки соат 20:20 гача давом этар экан. Шикоят хати муаллифининг ёзишича, бу коллеждаги умумий аҳволнинг бир кўриниши, холос. Аслида эса коллежда бундай қонунбузарликлар одат тусига кириб қолган. Суд идоралари томонидан коллеж раҳбари И. Субҳонқуловнинг ғайриқонуний ҳаракатлари юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб, бу ҳақда Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги хабардор этилган бўлса-да, вазирлик мутасаддилари сукут сақлаш билан кифояланишмоқда. Эҳтимол, шу сабаблими, Жиззах тиббиёт коллежи раҳбари Ислом Субҳонқулов қонун ва суд талабларини назар-писанд қилмаяпти. У “ўзи хон, кўланкаси майдон” қабилида фаолият юритмоқда.

Шикоят хатида баён этилган воқеалар кишига беихтиёр чироқ нурига ўзини ураётган парвонанинг ҳолатини эслатади. Маълумки, парвона чироқ нурига жон-жаҳди билан талпиниши натижасида баъзан эҳтиётсизликка йўл қўйиши ва олов домида ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Демак, парвонанинг ҳаракатини такрорлашга уриниш яхшиликка олиб келмас экан.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Жиззах тиббиёт коллежидаги аҳвол ҳам тез орада ўнгланиши зарур. Бу, энг аввало, Усмон Ҳамроевнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи тикланиши, қолаверса, жамоа ходимлари ва кўп сонли талабалар фойдасига хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки фуқароларнинг қонуний манфаати раҳбарларнинг шахсий манфаатидан ҳар доим устун туради. Мутасадди ташкилотлар шуни унутмасалар, бас!

**Холли НОРБОЙ,**
**журналист**

Badnafslik

# ҲАЗМ БЎЛМАГАН ОШ

Тўрткўл туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги чорвачилик фермаси мудирлигига тайинланган Тожибой Олломов ўз ҳисобидаги қорамолларнинг 280 бош эканини билиб ҳаловатини йўқотди. Йўқ, у шунча жониворни қандай боқиш ташвиши ҳақида ҳеч қачон ўйлаган эмас. У улардан қандай қилиб чўнтагига даромад олишни ўйлай бошлади.

Ниҳоят, Тожибой чорвачилик фермасида анча-мунча йиллардан буён бош зоотехник бўлиб ишлаб келаётган Озод Отажонов билан тил бириктиришга муваффақ бўлди.

Тожибой илиқ март кунларининг бирида Озодни уйига таклиф этди. Ёғлиққина ош дамлашиб, амалга ошириладиган ишларининг режасини тузишди.

— Озоджон, энди бу ёғига биргаликда ҳаракат қилмоғимиз керак, — деди мезбон сертакаллуфлик билан, — Шундай қилсак, иккаламиз ҳам кам бўлмаймиз, ука.

— Тушунмадим, — деб елка қисди Озод.

— Нимасини тушунмайсан? — дея сўзида давом этди Тожибой. — Бу ишнинг ҳеч қанақа сир-пири йўқ. Ахир, тасаввур қилаяпсанми, шунча қорамол... Битта-иккитасини ўмарганимиз билан камайиб қолармиди? Ҳали бошқа йўлларини ҳам топамиз.

Тожибой Озодга режасини обдон тушунтиргандан сўнг қуюқ ошхўрлик давом этди. Орадан кўп ўтмай Тожибой Озодни ёнига имлади-да, харидор топиб қўйганини, шу боис тун ярмида, албатта фермага келиши лозимлигини уқтирди.

Режага мувофиқ шериклар келишилган пайтда ҳозир бўлишди. Кейин эса ювошгина, аммо наслдор иккита наввоснинг шохига ип боғланди...

— Яша! — деди эртасига Тожибой Озоднинг қўлларидан сиқаркан. — Бор экансан-ку!...

Бундай “тадбир”лар яна давом этди. Гоҳ у, гоҳ бу усулларда, гоҳ ферма, гоҳ яйловларда қорамоллар шохига ип илиниб қолаверди... Шу йўл билан 32 бош йирик шохли қорамол ўттиз икки тарафга гумдон қилинди. Яна бир неча бош қорамоллар “камомад” ниқоби остида йўқотилиб, жарақ-жарақ пулларга айланди. Шундай қилиб, бир кузнинг ўзида нақ бир миллион 757 минг 982 сўм пул ҳамтовоқларнинг чўнтагини қаппайтирди. Қиш яқинлашган сайин Тожибойни бир савол ўйлантира бошлади:

Қозикда йўқ мол ўт ейдими? Албатта, емайди-да! Тожибой буни яхши билади. Аммо ўша 50 бош қорамол қозикда йўқ бўлгани билан ҳисобда бор-ку! Ҳисобдаги молга эса муайян ўлчовда ем-хашак ажратилади. Демак, ўйлаб кўрса бўлади...

Тожибой яна Озодни олдига чақириб, унга режасини айтди. Бир кечқурун гапни бир жойга қўйишиб, 503 минг 876 сўмлик ем-хашакни ферма ҳисобидан чиқариш тўғрисидаги қалбаки ҳужжатга имзо чекишди. Натижада 50 бош қорамол ва уларга берилиши лозим бўлган ем-хашак ҳисобидан 2 миллион 261 минг 858 сўм пул мудир ва зоотехник чўнтагига келиб тушди.

Мўмай даромаддан хурсанд бўлишган маст-аласт икки оғайни Озодникига томон йўл олдилар. Қуюққина ошхўрлик бўлди. Вақт алламаҳалга етганда, ўринларидан қўзғалдилар.

— Укамсан, — деди Тожибой Озоднинг қизаринқираган юзларидан чўлпиллатиб ўпаркан. — Ҳамиша бирга бўламиз. Эртага меникида.

Аммо эртасига меҳмондорчилик давом этмади. Тожибой ферма ичкарисига қадам босиши ҳамоноқ, хунук ҳабар эшитди: фермага текширувчилар келибди! Вужудини титроқ босиб, Озодни қидира бошлади.

Тез орада Озод кириб келди.

— Озод, — деди мудир важоҳат билан, — Менга қара, текширувчилар келаётганмиш! Ҳамма ишларни тўғрилашимиз керак, уқдингми? Қани, қандай йўли бор?

Бунга жавобан Озод билмайман, деб елкасини қисди. Узоқ танаффусдан сўнг бирдан Тожибой тилга кирди:

— Менинг Элликқалъа туманида битта ошнам бор. Фермер хўжалиги бошлиғи. Унинг олдига борамиз.

Бир зумда ҳар иккаловига жон кирди. Гапни бир жойга қўйишиб иккови Элликқалъа туманига отланишди ва “Эл-диёр” фермер хўжалиги раиси Ўринбой Каримовга вазиятни обдон тушунтиришди. Ўринбойнинг эски қадрдонларига “йўқ” дейишга тили бормади.

Одатда битта жиноятни содир қилган киши иккинчи жиноятга қўл уришга мойил бўлади. Икки ҳамтовоқ ҳам худди шу йўлни танлашди. Шу билан бирга ўзга бир шахсни ҳам жиноят ботқоғи сари судрашди.

— Илтимос,— деди Тожибой кўзларини мўлтиратиб, — бизни балодан фақат сен қутқазиб қола оласан.

Шу тариқа Элликқалъа туманидаги “Эл-диёр” фермер хўжалиги Тўрткўл туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалигига 22551 килограмм ем-хашак аралашмаси бергани, унинг эвазига мазкур хўжаликдан умумий баҳоси 772 минг 525 сўмлик 26 бош қорамолни қабул қилиб олгани тўғрисидаги қалбаки ҳужжат имзоланди. Гўё шу билан жиноят излари ёпилгандек бўлди.

Бироқ текширувчилар барча ҳужжатларнинг қалбаки эканини пайқаб қолишди. Натижада уларнинг қилмиши фош этилди. Ферма мудири Тожибой Олломов ва бош зоотехник Озод Отажоновлар суд ҳукми билан “Ўзбекистон” ширкат хўжалигига ўзлари етказган моддий зарарни тўлиқ тўлашга мажбур бўлишди. Шу тариқа ўғрилик оши ҳазм бўлмай қолди.

**Фахриддин НУРИДДИНОВ,**
**адлия маслаҳатчиси**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**



*«Байрамга қўғирчоғим билан бораман...»*

Mushohada

# ҚЎШНИЧИЛИК ҲАҚИ

ЁКИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН ҚЎШНИЧИЛИК ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Халқимизда қўшнинг тинч — сен тинч, деган нақл бор. Лекин кўпчилик бундан кўпроқ қўшни билан уруш-жанжал қилмаслик ёки қўшнинг яхши бўлса, сен ҳам тинч-хотиржам яшайсан, ёмон бўлса, ҳолингга вой, деган маънони тушунади. Тўғри, бир қараганда, бу нақлда шундай маъно ҳам йўқ эмас. Бироқ чуқурроқ қаралса, бундан бошқа маъноларни ҳам илғаб олса бўлади. Ҳозирги ҳаётимизга назар ташласак, бир ҳудуд ёки маҳаллада қўни-қўшни бўлиб яшайдиган кишиларнинг бу хусусдаги гап-сўзларига аҳамият берилса, қўшничилик ҳақини билмасликлари, билганлар ҳам бунга етарли даражада риоя қилмасликлари кўринади. Қўшнинг сенга озор бермаса, тинчгина ўзининг аравасини ўзи тортиб юрса бўлди-да, деган қабилда фикр юритадиганлар ҳам йўқ эмас. Айримлар кўча-кўйда ёки уйга кириб чиққанда қўшнидан саломаликни аямаслик билан ўзини қўшничилик ҳақини адо этиб яшаётгандек ҳис этади. Айримлар тўй-маърака ёки бошига бирон мусибат тушганда ёрдам қўлини чўзиш, бунинг иложи бўлмаган тақдирда хурсандчилик ёки ғам-ташвишига шерик бўлиб туришнигина тушунади. Тўғри, бу одатлар ҳам қўшничилик ҳақи хусусида муайян тасаввур берса-да, лекин шу билан кифояланиш, шу билан қаноатланиш бу ҳақни жуда жўн ва юзаки тушунишни юзага келтиради.

Айтайлик, икки қўшни хотин оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, бир-бирининг устига ҳақорат ва қарғиш ёғдириб турганига кўзингиз тушганда, бир-бирини шунчалик ёмон кўришса-я, қандай қилиб ёнма-ён яшаб юришибди, деб ҳайрон бўлишингиз табиий. Ўша низо-жанжалнинг сабаби суриштирилгудек бўлса, арзимас баҳона оловга ёғ қуйганига шоҳид бўласиз. Бунга эркаклар ҳам аралашгудек бўлса, унда текин томошани кўраверинг. Наҳотки, ҳар куни бир-бирига кўзи тушиб, бир-бирининг олдидан ўтганда уялишмаса-я, дея ёқа ушлайсиз, холос. Буниси ҳам майли-ку, бир-бири билан талашиб-тортишиб, кейин тинчиб кетишса, бировнинг ишига бизнинг аралашишга ҳаққимиз йўқ. Бироқ баъзи бир қўни-қўшниларнинг низоси суд идорасигача етиб бораётганига нима дейсиз?

Бир танишим билан кўришиб қолдик. У ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтириб, бир қўшниси хусусида сўз очди. Танишимнинг гапига қараганда, аввал жуда иноқ ва аҳил яшашар экан. Лекин кунларнинг бирида унинг боласи билан қўшнининг тенгқур ўғли кўчада жанжаллашиб, муштлашиб қолади. Қўшнининг ўғли таёқ ейди. Бундан алами келган қўшни боласини касалхонага ётқизиб, прокуратурага арз қилади. Қўшнисига ўғли етказган тан жароҳати учун бир қўй бериб зўрға қутулибди. Хуллас, икки қўшнининг орасидан ола мушук ўтиб, ҳалигача тинчиб кетишмабди. Уйимга ким кириб, ким чиқса қўшним кузатадиган ва ҳар бир қадамимни ўлчайдиган бўлиб қолди. Энди у қўшнидан бошқа жойга кўчиб қутулмасам, қутулмайдиганга ўхшайман, дейди. Тўғри, танишимни оқлаш тарафдори эмасман. Унинг ҳам қайсидир даражада айби йўқ эмас. У қўшниси билан можарони ўз вақтида ҳал қилганда бошига бу қадар ташвиш тушмаган бўлармиди? Қарс икки қўлдан чиқади, деган гапга қўшилмасдан илож йўқ.

Пайғамбаримиз ким Оллоҳга ва охират кунига ишонса, қўшнисини ҳурмат қилсин, деган эканлар. Демак, илгариги вақтлар қўшнини ҳурмат қилиш иймон-эътиқод даражасида қаралган. Қўшниси билан ҳар доим уруш-жанжал ва низога бориб яшаган кишининг иймон ёки виждони борлиғига шубҳа билан қаралган. Биздан олдин ўтган аждодларимиз қўшничилик ҳақига жуда қаттиқ риоя қилганига айрим тарихий манбалар гувоҳлик беради. Ота-боболаримиз қўшнилари билан уриш-жанжал у ёқда турсин, ҳатто сан-манга боришни ўзларига уят ва ор деб билган. Шундай қўшнилар ҳам бўлган эканки, ўзининг уйида қозон қайнаса-ю, қўшниси қозон осмаганини пайқаб қолса, бу билан қўшнимга озор бермадиммикан, деган ўй-хаёлга борар экан. Шунинг учун ҳам қўни-қўшниларнинг бир-бирига таом кўтариб чиқиб йўқлаб туриши ўша даврлардан бизга одат бўлиб қолган бўлса, ажабмас. Олдинлари ҳар куни уйига кириб чиқадиган қўшниси кўринмай қолса, дарҳол унинг эшигидан хабар олар ва ҳол-аҳволини сўраб-суриштирар экан. Ҳозир кўп қаватли уйларда яшайдиган қўни-қўшнилар бир-бирини тузукроқ танимаслиги ва бир-бири билан мутлақо алоқа қилмаслигини эшитганда кўнгилдан бир-биримизга шу даражада бегоналашиб бораяпмизми, деган хавотир уйғонади. Ҳадиси шарифларда қарз сўраганда қарз бериш, чақирса жавоб қилиш, касал бўлса, бориб кўриш, яхшилик етса, табриклаш, мусибат етса, кўнгил сўраш ва бирон жойга кетганда уйига кўз-қулоқ бўлиб туриш ҳам қўшничилик ҳақларига киради, дейилган. Мабодо узоқ сафарга отланса, қариндош-уруғига эмас, уй-жойини қўшнисига ишониб қолдиришар экан. Ҳасан Басрий қўшнига озор етказмаслик эмас, балки қўшниси етказган азиятга сабр қилган киши энг яхши қўшнидир, деган. Чунки илгари қўшниси ёмон бўлса ҳам қўшним фалон-писмадон дея бировга ёмонлаб юрмаган ёки унинг устидан бирон жойга арз-дод қилиб бормаган. Бундай қилишни ё ўзларига эп кўрмаган, ё бўлмаса андиша қилган. Чунки ёмонни ёмон деган билан ҳеч қачон яхши бўлиб қолмаслигини ва сабр қилишдан бошқа чора йўқлигини яхшироқ тушунганлар. Шу тариқа ёмон қўшни ҳам бир куни инсофга кириб, ўзининг ёмон феълидан пушаймон бўлган ва қўшниси билан қадрдон бўлиб кетган. Ҳатто қуда-анда ва қариндош-уруғ бўлиб, бир умр тинч ва хотиржам ҳаёт кечиришган. Мустақиллик даврига қадам қўйганимиздан кейин шўро сиёсати кўпгина анъана ва қадриятларимизга путур етказгани ва уни йўқ қилишга урингани аён бўлиб қолди. Миллий қадрият ва урф-одатларимиз менсимаслик оқибатида эскилик сарқити деган баҳони олди. Шулардан бири қўни-қўшничилик ҳақига ҳам лоқайдлик билан қараш ҳоллари шу даврнинг бизга қолдирган “мерос”ларидан бири десак, тўғрироқ бўлади. Бу даврнинг “ҳаво”сини олган қўни-қўшнилар бир-бири билан ким ўзарга мол-дунё йиғиш, данғиллама тўй қилиш ва бир-бириникидан иморатни баландроқ қуриш каби майда ҳою-ҳавасларни ўзларига одат қилиб олишди. Ҳатто бир-бири билан арзимас баҳона туфайли бир умр юз кўришмасликка қасам ичган қўшнилар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун қўшничилик ҳақини етарли даражада билмаслик ва унга риоя қилмаслик натижасида бир девор қўшниларнинг худди нотаниш одамлардек яшаб ўтишини тасаввур қилинг. Лекин мустақиллик миллий урф-одат ва анъаналаримизни ўзимизга қайтиб келишига кенг йўл очиб берди. Унга амал қилиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

**Бобомурод ЭРАЛИЕВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Jinoyat va jazo

# ҚАБОҲАТ ҚУРБОНИ

СУД ОЧЕРКИ

Бу дунёда ҳеч кимни ота-онасидан эрта айирмасин экан. Ота ёки онасидан бевақт жудо бўлган боланинг кўнгли ўксик бўлади. Чунки бола ҳаётида онанинг ҳам, отанинг ҳам ўз ўрни бор. Дилшодга ҳам ҳаёт ана шундай қисматни раво кўрган эди. Лекин унинг ёш умри эрта хазон бўлди. Эҳтимол, отаси қазо қилгач, онаси қайта турмушга чиқмаганида, у ҳам дўстлари сафида чопқиллаб ўйнаб юрардими?!

Келинг, яхшиси, мазкур воқеани бир бошидан сўзлаб бера қолайлик.

Улар илк марта Турсуной яшайдиган Қизилтепа тумани марказида учрашиб қолишди. Жуманиёзнинг афт-ангорига қараб бўлмас, эски кийим-боши кирчирга ботган, қўлида одамнинг таъби тортмайдиган тугунчани ушлаганича, Навоий шаҳрига отланаётганди. У куни кеча қамоқдан чиқиб келган, ҳали на иш ва на ётиб-туришининг тайини бор эди. Турсуной эса қишлоғи сари шошиларди.

Улар бир-бирига анча пайт бегонасираб тикилиб туришди, сўнг биринчи бўлиб Жуманиёз гап қотди:

— Автобус кутяпсизми? Анча бўлдими?

— Ярим соатча бўлди-ёв, — деди Турсуной унинг қўлидаги тугунчага, ўсиб кетган соч-соқолига разм солар экан. — Битта катта автобус Тошкентга қараб ўтиб кетди, лекин ҳеч кимни олмади. Менинг уйим яқин, таксида кетсам ҳам бўлаверади.

Кўп ўтмай бекатда иккисидан бошқа ҳеч ким қолмади. Жуманиёз тугунини қўлтиғига қисганича Турсунойни гапга тутди. У гап орасида ўзининг “курорт”дан келгани, Ғиждувон туманидаги “Гулистон” ширкат хўжалигида яшаётгани, айни пайтда бўйдоқлигию, иш ахтариб кетаётганини ҳам қистириб ўтди. Бундан ташқари, у Турсунойнинг турмушдан ёлчимагани, ўғилчаси билан ёлғиз яшаётганини ҳам билиб олди.

— Ўхшатмаса, учратмас деганлари тўғрига ўхшайди, — деди у, — буни қарангки, тақдиримиз бирбиримизникига ўхшаб кетар экан. Бирга турмуш қурсак, яхши бўларди. Мен фермер хўжалиги тузмоқчиман. Давлатдан кредит оламиз. Бойиб кетмасак ҳам, ҳар ҳолда топган-тутганимиз оиламизга етади. Ўғлингизни бирга тарбия қиламиз. Ўғил болани отасиз тарбиялаш бир ўзингизга оғирлик қилади.

— Билмадим... Қандай бўлаpкин? — дея уялганича жавоб қилди Турсуной. — Мен ҳали сизни яхши билмайман. Бундан ташқари, болам бор, у сизга ўрганиб кетармикан?! Алоҳида уй-жойингиз ҳам йўқ экан.

— Муштни бир ерга тугиб, қаттиқ ишлаймиз. Сиздай гўзал хотиним ёнимда бўлса, тоғниям талқон қиламан, — деди Жуманиёз азбаройи ишонтиришга уринар экан. — Ҳали кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади. Дилшодни ўз ўғлимдан ҳам афзал кўраман. У иккимизнинг фарзандимиз бўлади.

— Майли, эртага жавобини айтаман. Қариндошларим билан маслаҳатлашай-чи, улар нима дейишар экан.

Турсуной у билан хайрлашгач, йўловчи машинага ўтириб, қишлоғи томон йўл олди. Жуманиёз унинг ортидан тикилганча, хаёлга берилди. У содда ва ишонувчан аёлни учратганидан ич-ичидан хурсанд эди.

Ахир, бунақаси ҳаётда кам бўлади. Шундай хушрўй аёлнинг хаёлини бир пасда алғов-далғов қилиб ташлади. Бўлажак куёв қишлоғига қараб жўнади. Ҳадемай унинг ҳаётида янги кун бошланди. Турсуной ўйлаб-ўйлаб, охири турмуш қуришга розилик берди. Аммо ҳали у тақдир ўзига қандай қора қисматни раво кўраётгани, эртага бошига қандай кўргуликлар тушишини билмас, эҳтимол, бу гал бахтим очилар, турмушдан ёлчирман, деган ўй-ишонч билан ўзга бир уйнинг остонасини ҳатлаётган эди. Ўшанда Дилшод ҳали гўдак, бор-йўғи саккиз ёшга тўлган эди. Энди у тенгқурлари орасида дадам бор, деб гердайиб қўярди. Бола ўз номи билан бола-да, у ўгай бўлса-да, дадасига меҳр қўя бошлади. Оқибатда эса меҳрга ташна болакайнинг туйғулари ёлғон бўлиб чиқди...

Ҳаш-паш дегунча орадан ярим йилча вақт ўтди. Лекин улар ҳали бир-бирларига кўникиб улгурмай орага совуқлик тушди. Ҳаммаси Жуманиёзнинг янги-янги қилиқ чиқаришидан бошланди. У хотини ва ўгай ўғлига нисбатан қаҳрини сочадиган, йўқ жойдан жанжал чиқариб, уларни аёвсиз калтаклайдиган одат чиқарди. Энг ёмони, Дилшодни негадир жинидан баттар ёмон кўриб қолди. Уни уйдан безитиш, она меҳридан жудо қилиш ниятида турли хил ҳийла-найрангларни ўйлаб топа бошлади.

Бир куни эрталаб дастурхон устида хотинига дабдурустдан шундай деб қолди:

— Дилшодни “Меҳрибонлик уйи”га берсак яхши бўларди. У ҳалиям бирга яшашга кўниколмаяпти. Бўлак яшаса, тинч бўлади. Биз ҳам яйраб яшардик. Тез-тез бориб, кўриб келардик.

— Бор-йўғи битта фарзанд-ку, ахир, — деди Турсуной ўзини гуноҳкордек ҳис этиб. — Ёлғиз боланиям боқолмаймизми?! Сиз фермер бўлсангиз, далага кўчиб чиқамиз. Кеча-ю кундуз ўша ерда бўламиз. Ҳадемай Дилшоднинг ҳам бўйи-басти етиб, қаватингизга кириб қолади.

— Майли, яна бир марта яхшилаб ўйлаб кўр, — дея тўнғиллади Жуманиёз. — Орамизга совуқчилик туширади-да, бу боланг...

Жуманиёз нияти амалга ошмагач, баттар жоҳиллашиб кетди. У энди болани очиқ-ошкор камситар, бўлар-бўлмас баҳоналарни рўкач қилиб, уни гоҳ шапалоғи, гоҳида эса мушти билан урарди.

— Муштдай бошинг билан бунча кўп овқат ейсан, — дер эди у дам-бадам Дилшодни турткилаган кўйи. — Мечкайга ўхшайсан, тур ўрнингдан, етар шунча овқат еганинг.

Ўша куни ҳам Дилшод мактабдан эндигина қайтган, азбаройи қорни очганидан шоша-пиша тамадди қилаётган эди. Буни кўриб, жини қўзиган Жуманиёз кўзлари қонга тўлиб унга ташланди. Уни ердан даст кўтариб олди-да, олдиндан тайёрлаб қўйган ип билан қўл-оёғини боғлаб, ҳавозага осиб қўйди. Бола ҳавода осилганича, жон ҳолатда типирчилай бошлади. Айни пайтда бирон-бир ёмон кўргулик рўй бериши ҳам ҳеч гап эмасди. Боланинг бахтига онаси ора киради. Даладан гўё қандайдир хавф-хатарнинг шарпасини сезгандек, юраги хавотирга тўлиб уйига қайтган Турсуной боласининг аҳволини кўриб ранги оқариб кетди. Қўрққанидан оёқ-қўлига қалтироқ кирди. Сўнг шоша-пиша ўғлини тушириб олиб, сув ичирди. Эрига ёмон ўқрайиб қаради-ю, бирон-бир нарса дейишга ботинолмади — тилини тишлади. Бир-бирига меҳри ортар, кейинчалик ўрганиб кетишар, деган ўйга борди. Аммо Жуманиёзнинг хурмача қилиқлари кундан-кунга ортиб борарди. Тошбағирликни қарангки, ўгай ота уйда ҳеч ким йўқлигида боланинг ожизлигидан фойдаланиб, уни яна қийнашга тушар, энг ёмони, бир-биридан даҳшатли қийноқ усулларини ўйлаб топарди. Бу гал у болани ётқизиб, товонини тиғ билан тилди-да, қон оқаётганига қарамай унга туз сепади... Ҳали норасида гўдак бундай қийноққа азбаройи чидаёлмай дод-фарёд сола бошлади. Йиртқич ҳайвон қиёфасига кирган Жуманиёз унинг оғзига булка нонни ҳам жойлаб, мажбурлаган кўйи едиришга тушди:

— Ана энди бўкиб ўласан, етимча, Ма, ана шу ярим челак сувни ҳам ичасан. Бир йўла ёрилиб ўл, мечкай...

Ўшанда Дилшод бир амаллаб кўчага қочиб чиқиб бу азобдан қутулган эди. Бола берахм ўгай отадан ўлардек безиб қолган, унга кўзи тушди дегунча баданига қалтироқ кирарди. Турсуной ҳам икки ўт орасида қолган эди. Боласини деса, эри дарғазаб, эрини деса, фарзандига юраги туз сепгандек ачишар эди.

Шундай кунларнинг бирида у рўй бериб ўтган воқеалар бироз унутилсин, деган ўйда ўғлини қишлоққа, ота-онасининг олдига олиб бориб қўйди.

Дилшод қишлоққа кетгач, эр-хотин Навоий туманидаги “Миришкор” фермер хўжалигига ишга киришди. Шу ердаги дала шийпонида ётиб, меҳнат қила бошлашди.

Ўтган йилнинг 20 ноябрида Турсуной тобора тубанлик ботқоғига ботиб бораётган эрининг бир амаллаб розилигини олди-да, Дилшодни яна қайтариб олиб келди.

Ҳаммаси ана шундан сўнг бошланди. Жуманиёз Дилшод қайтиб келгач, баттар қутуриб кетган, норасида гўдакка бир дунё кин-адоват билан қарар, пайт топди, дегунча унга ташланиб қоларди. Бир куни у алланимани баҳона қилиб, кетмон дастаси билан боланинг биқинига уриб, 3 та қовурғасини синдирди. Буни кўриб чидаёлмаган Турсуной болани бағрига босганда, Жуманиёз уни қаҳр билан силтаб ташлади. Сўнг йиқилиб тушган хотиннинг бўйнига пичоқ тираб, ўлдираман, дея қўрқитди.

Ниҳоят, “кўза синадиган кун” етиб келади. Жуманиёз ҳали тан жароҳати битиб улгурмаган Дилшодни тутиб олиб, сочидан чангаллаб ушлаганча, бошини чорпоя темирга бир-икки урди. Сўнг боланинг дод-фарёдига қарамай уни бўйи баравар кўтариб чорпоя устига ташлаб юборди. Эндигина ўн ёшга тўлган, ҳали суяги қотиб улгурмаган мурғак бола бу зарбни кўтара олмади. У шу ернинг ўзида жон таслим қилди...

Содир этган жиноятдан қўрқиб кетган Жуманиёз ва рўй берган воқеани кўриб дағ-дағ титраётган Турсуной болани эртаси куни кечаси Маликработ қўрғонида жойлашган қишлоқ тиббий пунктига олиб келишади. Навбатчи фельдшер Анвар Муродов бўлган воқеани марҳумнинг онаси тилидан эшитади. Аммо у ўз қасамёдига хилоф иш тутади. Ғаразгўйлик манфаатларини кўзлаб, қонун талаби асосида бу ҳақда тегишли идораларга хабар бермайди. Бундан ташқари, у Жуманиёз Ҳамидовни жиноий жавобгарликдан қутқариб қолиш мақсадида расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, қалбаки равишда Дилшодга биологик ўлим, деган ташхис қўяди...

Шундан сўнг улар гўё қор ёғди, излар босилди, деб ўйлашган эди.

Афсуски, ундай бўлмади. Кўп ўтмай бу қабиҳ жиноят фош этилди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган Жуманиёз ҳам, қасамёдига хиёнат қилган тиббиёт ходими ҳам қонун олдида жавоб беришди. Албатта, рўй бериб ўтган бу мудҳиш воқеа ҳар бир кишини ўйга солади. Хўш, бу қотиллик нега рўй берди? Унинг асосий айбдори ким?

Бу мудҳиш воқеанинг бош айбдори Жуманиёз ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки у аллақачон инсонийлик қиёфасини йўқотган. Лекин шу воқеаларнинг ичида юрган Турсуной нега фарзандининг тақдирига бефарқ қаради? Анвар нега касбига, виждонига хиёнат қилди?

Хулоса шуки, қабоҳатга бўйин эгган кимсалар қилмиши туфайли бегуноҳ гўдак дунёдан кўзи очиқ ҳолда кетди. Унинг тақдири энди бошқалар учун сабоқ бўлса, ажаб эмас.

**Ёркул УМАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**
**Баҳриддин ЭРГАШЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-721. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23-20

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.